

## Германиялик Кристиан Бетизман Исломни қабул қилди



18:41 / 10.02.2021 2368

Машҳур немис влоггери (Vloger — видеоматериаллар тайёрловчи блогер) ва ёзувчи Кристиан Бетизман Ислом динини қабул қилди. Бу ҳақда YouTube ижтимоий саҳифаларда эълон қилинди.

У ўзининг инстаграм саҳифасида бир йил Покистонда яшаганини, у ерда Ислом дини ҳақида маълумот олгани ва Исломни қабул қилишга ундаганлигини ёзган. Бундан ташқари болалик чоғларини кўплаб мусулмонлар билан ўтказганлигини қўшимча қилган.

Зайд Али ва бошқа таниқли машҳур мусулмонлар уни Исломга киришига сабабчи бўлган.

Унинг Исломни қабул қилгани ҳақидаги видео манзили:

<https://youtu.be/6hxDOfNm-u0>

Бу Исломни қабул қилган биринчи влоггер эмас. 2018 йилда Канадалик Рози Габриелле ҳам Исломни қабул қилган.

***Хуршид Маъруф тайёрлади***